

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komisiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**7.2021**

**научно-теоретический методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2021**

Ушбу қиёсий мисолда француз тили йўналтирилганлик ҳаракати *en jetant le livre au loin* биримасида ўз ифодасини топган бўлса, ўзбек тилида эса қўлидаги китобни бир четга қараб улоқтирад экан биримасида намоён бўлади. Француз тилида йўналтирилганлик категорияси ўз ифодасини *jeter* феъли ҳамда *au loin* семантемасида топади. Синтактик жиҳатдан эса йўналтирилганлик кесим, объект ва ўрин холи ўзаро муносабатида юзага келади.

Оппозицияга солиб таққослаш жараёни икки босқичли бўлиб, биринчи босқич йўналтирилганлик ҳаракатни англатувчи феълларнинг лексик-семантик чегарасини фарқлаш учун хизмат қиласа, иккинчи босқич йўналтирилганлик ҳаракатни англатувчи лексик-семантик гурухларга мансуб феълларнинг ички семантик хусусиятларини очиб бериш учун хизмат қиласи. Зоро, йўналтирилганлик ҳаракатни англатувчи феъллар семантик жиҳатдан маконда йўналтирилганликни (*jeter, lancer, tirer, rouler, aller, venir, arriver, partir, entrer, sortir*) ҳамда объектга йўналтирилганликни (*totaliser, réunir, couper, trancher, casser, arracher*) ифода этади.

Лексик-семантик жиҳатдан ушбу феъллар учта лексик-семантик гурухни қамраб олади: а) директив феъллар; б) қатнов феъллари; в) объектга йўналтирилган феъллар.

Оппозиция асосида бўлакларга ажратиш маъно семалари таҳлили асосида ўтказилди ва унинг замирида оппозиция бўлакларининг семантик дифференцияси аломатларини очиб бериш ётади. Бинобарин, сўзнинг семалар<sup>1</sup> таркиби изоҳли луғатлар талқини маълумотларига суюнган ҳолда ажратилган.

Сема тушунчаси остида бошқа бўлинмайдиган минимал элементар маъно англашилади. Ҳар бир сўзнинг семантик структураси муайян семалар таркибидан ташкил топиб, алоҳида семантема кўринишида яхлитлашади. Йўналтирилган ҳаракатни англатувчи феъллар семантик структурасидаги семалар мажмуаси ушбу феъллар семантемаларининг ўзига хослигини, имманент хусусиятини белгилайди.

Маъно компонентлари таҳлили, сўзларнинг лексик-семантик гурухи, семантик майдон<sup>2</sup> назарияси йўналтирилган ҳаракатни англатувчи феъллар семантик таснифини очиб беришда алоҳида ўрин тутади. Маколада қўйидаги илмий фараз олға сурилади, яъни инвариант хусусият касб этувчи ҳаракатни англатувчи феъллар, мазмун ҳамда ифода планлари уйғунлигида нутқда намоён бўлиб, тilda ифода воситалари вариативлигини шакллантирувчи хусусият касб этади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу вариативлик нутқ вазияти, маъно ва шаклни қамраб олган коммуникатив яхлитликни тақозо этади ҳамда ситуатив, инвариант, ковариант муносабатлардаги тил бирликлари аналогиясини юзага келтирувчи омил даражасига кўтарилади. Одатда, нутқка кўчган ҳаракат англатувчи феъллар ўзига хос тиллар куршовида намоён бўлади ҳамда зарурий ифода бирликлари валентлигини талаб килади. Шу жиҳатдан феъл семалар доираси ва таркиби синтактик муносабатга киришувчи бирликлар доирасида орта боради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаракат англатувчи феълларнинг ифода потенцияси хусусида тўлиқ тасаввур ҳосил килиш учун унинг синтактик куршовини ўрганиш заруриятини тақозо этади. Айниқса, қиёсланаётган тиллардаги ушбу феълларнинг меъёрий жиҳатларини очиб бериш тиллар одатларига хос кирраларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

**Абдиримова Интизор Комиловна (Тошкент вилояти Чирчик Давлат Педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси)**

**АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИДА БАРКАМОЛ ИНСОН ВА МУКАММАЛ ЖАМИЯТ ТАСВИРИ**

**Аннотация.** Уибу мақолада баркамол инсон, мукаммал жамият тушунчалари буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий адабий меросининг бош мавзуси эканлиги, шоир қаламига мансуб асарларда ёрқин лавҳалар орқали акс эттирилган Одам ва Олам камолоти ҳақида фикр юритилган.

<sup>1</sup> О.С.Ахманова ва бошқалар. Основы компонентного анализа слова. М., 1969; М.Д.Степанова. Методы синхронного анализа лексики в современном немецком языке. М., 1968; С.Ульманн. Семантические универсалии. «Новое в лингвистике», вып. V, М., 1970; A.J.Creimes. Sémantique structurale. р. 1966; B.Pottier. Linguistique générale. р. 1974; A.Sauvageot. Le portrait du vocabulaire français. р. 1964.

<sup>2</sup> Г.С.Щур. Теории поля в лингвистике. М., 1974.

**Аннотация.** В статье рассматривается концепции гармоничного человека и совершенного общества, которая является основной темой литературного наследия великого мыслителя и поэта Алишера Навои, совершенство Человека и Вселенной, отраженное в творчестве поэта яркими набросками.

**Annotation.** The article examines the concept of a harmonious man and a perfect society, which is the main theme of the literary heritage of the great thinker and poet Alisher Navoi, the perfection of Man and the Universe, reflected in the poet's work with vivid sketches.

**Калит сўзлар:** баркамоллик, инсон, камолот, онг, илм-маърифат, эстетик идеал, дунёқараш, мукаммаллик, одамийлик.

**Ключевые слова:** гармоничность, человек, зрелость, сознание, просвещение, эстетический идеал, мировоззрение, совершенство, человечность.

**Key words:** perfection, man, maturity, consciousness, enlightenment, aesthetic ideal, worldview, humanity.

Инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб ўзини ва оламни тадқиқ килишга, табиат қонуниятларига бўйсунган ҳолда жамиятни ҳам мувозанатда ушлаб туришга ҳаракат қилади. Турли дунёқарашлар, умуминсоний ва миллий қадриялар замирида, аслида, мукаммалтика интилиш гояси туради. Бу мақсаднинг яққол намоён бўлишини биз бадиий адабиёт намулларида кўришимиз мумкин. Минг йиллик тарихга эга халқ оғзаки ижоди намуналари, шарқ ва гарб даҳоси хосиласи ўла-рок, яратилган бой адабий мерос, аслида, Одам ва Олам инкишофига бағишланган.

Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши, унинг замирида майдонга келган тасаввух гоялари, сўфийлар илгари сурган ва интилган маснад, аслида, комиллик, софлик, самимийлик орзу-ларининг фалсафий мушоҳадалари эди.

Эстетиканинг муҳим категорияси – идеал, аввало, онг шаклидир. Одатда, унга хиссий билиш тўғрисидаги фан деб баҳо берилган. Демак, идеал ҳам ижодкор онгида англанган жараёнлар маҳсули. Ташқи муҳитдан қабул қилинган ахборотлар унинг бадиий тафаккурида таҳлил қилиниб, яна-да мукаммал шаклда инъикос этади. Ҳали мавҳум, амалга ошмаган орзулар тизимида ижодкорнинг ижтимоий-эстетик идеали яширинган бўлади. Насрий асарларда эстетик идеал, албатта, бадиий образлар воситасида тасвирланади. Идеал қаҳрамон – бу тўлақонли бадиий образдир. Ижодкор тафаккурида шаклланган гоялар, гўзаллик, нафосат, замонавийлик ва шу каби ўлчамлар инсоният бугуни ва келажагига хизмат қилувчи эстетик идеални яратишда иштирок этади. «Энг олий эстетик қимматлар амалий, ахлоқий, маърифий ва хусусий эстетик қимматларнинг ёнида турадиган моҳият эмас, у мазкур қимматларнинг яхлитлигидан ташкил топади». Яъни, мукаммалликни таъмин этувчи бу хилдаги шартлилик бирлашмасидан бадиий асарда тимсол образ хосил бўлади. Ўзига хос бетакрор ҳарактер – моҳиятнинг образи сифатида инсоннинг иқтисодий, сиёсий, маънавий камолоти масалалари ечимида иштирок этади. Дарҳақиқат, ижодкор гояни реал воқеиликнинг ўзидан эмас, балки моҳиятидан олгани сингари, қаҳрамонларга ҳам реал одамларнинг у ёки бу жиҳатларини олиши мумкин. Воқеалар ривожи, мақсади, орзу-идеалларини қай тарзда ифодалаш унинг ихтиёрида. Масалан, тарихий романларда акс этган ижтимоий-эстетик идееллар илгари содир бўлган ҳодиса ёки муайян халқ қаҳрамонини айнан такрорламайди. Аслида, бунинг иложи ҳам йўқ. Негаки, ижодкор ёритмоқчи бўлган масала ёинки шахс фаолиятини бевосита кузатган эмас. Қолаверса, ҳаётда идеал шахснинг мавжуд бўлиши ҳам, ҳақиқатдан, бирмунча йирок.

Шундай экан, санъаткор ўзлаштирган факт орқали тасаввур хосил қилади, бадиий идрок, илҳом манбай билан уни «жонлантиради». Бунда ҳам воқелик – содир бўлганнинг асли сақланиб колса-да, амалда асар воқелиги ва уни ҳаракатлантираётган қаҳрамонлар ёзувчининг замондошлиари ҳамда ижтимоий муҳити руҳини бериши мумкин. Одатда, асардаги бундай қаҳрамонлар мукаммал идеал образнинг гўзал хислат ва хатти-ҳаракатини, ҳолатини яна-да равшанроқ намойиш қилиш учун кўзгу вазифасини ўтайди.

Мана шундай мукаммаллик орзуси Алишер Навоий адабий меросининг бош мавзуси ҳисобланади. Насрий, назмий, фалсафий асарларининг барчасида Одам ва Олам камолати ҳақида сўз боради. Навоий ижоди туркий адабиётнинг энг юксак чўққисидир, чунки ҳеч ким унга қадар бу тилда бунчалик кўп ижод этмаган эди. Навоий барча халқларнинг энг буюк шоиридир, чунки у ўзини туркий қавмларнинг бир адабий тил байроби остида бирлаштириди, “якқалам” қилди.

Шоир Алишер Навоий умуминсоний тарбия соҳасида бир бутун асар яратмаган бўлса ҳам, ўзининг умуминсоний тарбия тўғрисидаги фикрларини турли илмий ва адабий асарлари билан

бирга бадиий асарларида баркамол инсон образини яратиш йўли билан баён этди. Навоий илм-маърифатни қадрлаган ва унга ҳомийлик қилиш билан бирга, инсоннинг маънавий камолотини, аввало, унинг илм ва дониш соҳиби бўла олганлигига деб билади. Илм ўзидан-ўзи бўлмайди, киши фақат ҳавас ва иштиёқ билангина илмга эга бўла олади, деб хисоблайди. Алишер Навоий инсонга, биринчи навбатда, хаётдаги амолига қараб баҳо беради. Уйғоқ қалб соҳиби наздида, ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри сўзни айта олган, ҳақиқат тарафида туриб ҳаракат қилган кишигини инсон номига муносиб бўлиши, аксинча, шароитга қараб ўзгаравериш, ўз шахсиятини асраб, ҳақ гапни айтишдан кўркиш – бу имонсизлик белгиси эканлигини айтиб ўтади. Алишер Навоий илм ўрганишга интилишни инсон камолотини таъминлаш учун хизмат қилувчи энг зарур фазилатлардан бири деб билади. Илмни инсонни, ҳалқни нодонликдан, жаҳолатдан қутқазувчи омил сифатида таърифлайди. Шоир илм ўрганишни ҳар бир кишининг инсоний бурчи дея эътироф этиб, илм ўрганишдан мақсад ҳам ҳалқнинг фаровон, бахтли-саодатли ҳаёт кечиришини, мамлакатнинг обод бўлишини таъминлашга ҳисса қўшишдир, дея таъкидлайди. Билимли ва доно кишилар ҳамиша ўз ҳалқининг манфаати ҳамда мамлакатининг равнақи йўлида фаолият олиб боришларига ишонади.

Унинг асарларида илм-маърифат, меҳр-оқибат, инсонийлик каби масалалар марказий ўринни эгаллайди. Шоир олим аҳлини қадрлайди, улуғлайди. Олимларга таъзим қилиш – пайгамбарга таъзим қилиш билан баробар эканлигини таъкидлайди.

Алишер Навоийнинг илм-маърифат, таълим-тарбия масалаларидағи фикрларида инсонпарварлик ғоялари бош ўринда туради. Алишер Навоийнинг фикрича, инсон дунёда ҳаммадан юксак, азиз ва қадрлидир. Шунинг учун Ҳазрат Навоий комилликка элтувчи йўлнинг, энг аввалида, илм-маърифат туришини таъкидлайди. Дарҳақиқат, инсонни бошқа яратиқлардан фарқлаб турадиган, улуғ ва азиз қиласидан фазилатлардан бири, шубҳасиз, илмдир. Инсон илм орқали ўзини танийди, ёмонлик ва зулмдан ҳазар қиласи, иймони комил бўлгани сари, ўзи ҳам баркамоллик касб этиб бораверади. “Куръони карим”да илм сўзининг 751 марта бўлланилганини алломалар кўп бора таъкидлайдилар. Алишер Навоий ҳам буюк истеъдод ва камолот намунаси сифатида илмни жуда кўп тарғиб қилди. Масалан, “Ҳайрат ул-абброр”, “Махбуб ул-кулуб” асарларида кишиларни илм олишга ундаса, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий”, “Лисон ут-тайр” асарлари орқали илм соҳиби бўлган бадиий қаҳрамонларнинг турли синов ва муаммолар қаршисида илми, қатъий саботи билан енгилмаганлигини тараннум этади. Қолаверса, “Назм ул-жавохир” асарида ҳам мукаммал инсон ва етук жамиятга эришиш ғояларини илгари сурган ҳолда, ҳазрат Алининг илми тўғрисидаги ҳикматларини рубоий оҳанглари орқали ўқувчига маҳорат билан етказиб беради. Бу рубоийларда одамларни жаҳолатдан, ғафлат комидан ҳолос бўлишига ундейди. Ҳаёт мазмунини, одамийлик моҳиятини англаған ҳолда, Инсон деган шарафга лойиқ бўлмоқлик учун илм заруратини қайта-қайта эслатади.

*Ким бор эса Ҳақга ҳок даргоҳлиги,  
Илм ортуқким, ики жаҳон шоҳлиги,  
Олам фисқида бордур огоҳлиги,  
Оми киши зуҳди бўлди гумроҳлиги.<sup>1</sup>*

Рубоийнинг мазмуни шундаки, шоир “ким Ҳақ даргоҳи хоки бўлмоқни, Яратганни танимокни истаса, илмга рағбат қилсин”, деган қарашлар акс этган. Нафакат диний билимлар, балки дунёвий билимлар ҳам ҳаётимизнинг безагига, чиройли турмушга сабаб бўлишини бошқа асарларида ҳам кенг ёритади. Масалан, Фарҳод образи орқали тараннум этилган касб-хунур ҳам, аслида, бир илмдир. Фарҳод шоҳнинг фарзанди бўлишига қарамай, бутун сарой измида бўлса-да, ўзини қандайдир кемтик хис қилди. Кези келганда, бу кемтикликни сангтарошлиқ, рассомлик ва бошқа илмлар бироз бўлса-да, тўлдирди. Энг асосийси, мана шу илму ҳунар орқали ўз мақсади сари дадил йўл топа олди.

*Ким олим эса нуктада барҳақ де они,  
Гар базм тузар беҳишити мутлақ де они,  
Ҳар кимсада йўқ илм анга аҳмақ де они,  
Мажслисади илм бўлса, учмақ де они.*

Демак, нуктадон воизлик ҳам, мажлисларнинг нафосати ҳам, базмларнинг фазилати ҳам олим одамлар билан гўзал бўлар экан. Сўз санъати ҳам бир илм эканлигини, инсонлар эътибори ва

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз, Т., “Ўзбекистон”, 2016, 154-бет.

эътирофи, мазлумлар дардига малҳам бўлиш ҳам, энг аввало, чиройли одобга сабаб бўлган илм шарофатиданлигини шоир бетакрор ифода этган. Шунингдек, юкоридаги рубоийда тазод санъати ҳам қўлланилган бўлиб, илмли ва нодон кишилар қаршилантирилган. Доно одамнинг барча қаломи ибратга, бошқаларга хузур етказишга қартилган бўлса, нодон, илмсиз киши эса ақли йўқ қайдир, деган холоса чиқарилади. Асарда бу каби мисоллар жуда кўп.

Алишер Навоийнинг ўлмас фикрлари, орзу-мақсадлари асрлар давомида инсон ва жамият комиллиги учун хизмат килиши, шубҳасиз. Алишер Навоийнинг яқин дўсти бўлган Ҳусайн Бойкаро ҳам улуғ шоирни эътироф этиб, жумладан, шундай деган эди: “*Мир Алишер турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ нафаси ила руҳ-жон киргизди.. У ҳар бир шеър тури майдонига топқир отини сурар экан, ўша мамлакатни тил қиличи бирла ўзига тобе этди. Унинг назмини мақташга тил нуқсонли, қалам ожиздир ва бу кун назм дунёсининг рубъи маскунида қаҳрамондурур ва ул зотни бу мамлакатни қўлга киритган соҳибқирон деса бўлур*”.

Олис юлдузларнинг нурлари улар сўнганидан кейин ҳам минг-минг йиллар мобайнида она еримизга ёғилиб туради. Алишер Навоий ҳам буюк дахолар сафидан мустаҳкам ўрин олиб, ўзбек номини жаҳонга машҳур қилиб, она ҳалқимиз тимсолига айланди. Бобомизнинг уммон каби бепоён ижодидан ҳар ким ўз истеъодига яраша баҳраманд бўлади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, учинчи Ренессансга қадам қўяётган бугунги кунда Алишер Навоийга бўлган эҳтиром миллат тараққиётига бўлган муносабатнинг асосий пойдевори сифатида асрлар оша миллат маънавиятининг қуёши бўлиб порласин.

**Jumayev Ruzokul Xoliqulovich (Buxoro davlat universiteti o‘qituvchisi)**  
**SADRIDDIN AYNIYNING “ESDALIKLAR” ASARIDA OYKONIM TURLARINING**  
**QO‘LLANISHI**

**Annotatsiya.** Muallif S.Ayniyning “Esdaliklar” oykonimlarini qurilish jihatidan oddiy, sun’iy, murakkab va fazotoponimlarga bo‘lib o‘rganishni ta’kidlaydi.

**Аннотация.** Автор обращает внимание на изучение простых, искусственных, сложных фразотопонимов в произведении С.Айни «Воспоминания» с точки зрения построения ойконимов.

**Annotation.** The author emphasizes the study of S.Ayni’s “Memories” in terms of simple, artificial, complex and phraseotonyms in terms of construction.

**Kalit so‘zlar:** topomin, oykonim, ergonom, xoronim, agronomiya, polionim, komonim, urbanonim, kompleks, tuzilish, so‘z birikma-topomin, til, tarkib, topominlar, foydali, go‘zal yerlar, qadimiyy, sinonim.

**Ключевые слова:** топонимы, ойконимы, эргонимы, хоронимы, агрономия, полионим, комоним, урбаноним, комплекс, строение, словосочетание-топоним, язык, состав, топонимы, полезно, красивые земли, древний, синоним.

**Key words:** toponym, oikonym, ergonym, khoronim, agronomy, polyionym, comonym, urbanonym, soda, sokhta, complex, toponym phrase, language, structure, toponyms, useful, beautiful land, ancient, synonym.

Badiiy asarni muayyan makonga nisbat bermay tasavvur etish qiyin. Hatto, lirik janrning ham mакони bor. Bu makon aniq biror yer bilan bog‘lanmasa-da, qalbdan chiqqan so‘zning manzili juda bo‘lmaganda insonning ko‘nglidir.

Badiiy proza esa o‘ziga xos bo‘lib, unda voqeа hodisa muayyan manzil-makon bilan, albatta, bog‘-lanadi. Hatto voqeabandlik (sujet) asotiriy makonda ro‘y berishi ham mumkin. Biroq, eng muhimi, badiiy asarning mazmuni bog‘langan makon albatta biror nom bilan ataladi. Bu makon nomi “Chambil bel”mi, “Alamazon”mi, “Avesto”dagi “Xvanirata”mi, Maxmurning “Hapalak” qishlog‘imi, “Buxoroning jin ko‘-chalari”mi, Marg‘ilon yoki Toshkentmi – xullas, joy nomlari har qanday badiiy asarning jon tomiri, uning mazmuni, tutib turuvchi ustuni, sinchidir.

Badiiy asarda joy nomlaridan, ularning asar talabidan kelib chiquvchi tarixiy yoki mahalliy shakllaridan ustalik bilan foydalanish yozuvchining nafaqat badiiy mahoratidan, balki o‘zi yoritayotgan hayotiy vaziyatning butun borlig‘i, ichki mazmunidan, unda ishtirok etuvchi unsurlarning tabiatidan chuqur xabardorligidan dalolat beradi. Ustoz S.Ayniyning “Esdaliklari” ham O‘rta Osiyo xalqlarining XIX asr oxiri va XX asr boshlaridagi turli voqealarni o‘z ichiga olgan biografik asarlardan biri bo‘lib, bu voqealarni aks ettirishda O‘rta Osiyo xalqlarining tarixiy joylari eslatib o‘tilgan. Shunga ko‘ra, biz asarning geografiq xususiyatlarini lingvistik nuqtayi nazardan ko‘rib chiqishga va ularning xususiyatlarini aniqlashga

## MUNDARIJA

### MATEMATIKA

<b>Акмалов Аббос.</b> Ал-Хоразмий – алгоритм, алгебра фанлари асосчиси.....	3
<b>Alisher Yaxshimuratov, Ollabergan Matyoqubov, Islom Xusainov.</b> Ajralmagan chegaraviy shartli Shturm-Liuvill masalasining regulyarlashtirilgan izini hisoblash.....	8
<b>Djumayozov Umidjon Zafarjonovich.</b> Numerical Solution of One-dimensional Boundary Value Problems of Elasticity Theory in Finite Deformations.....	13

### BIOLOGIYA

<b>Sayyora Xushnudovna Babadjanova, Yashnar Maqsudboyevich Artikov.</b> Xorazm vohasi suv havzalaridagi karsimon baliqlarda uchraydigan kasalliklari va ularni keltirib chiqaruvchi organizmlar.....	23
--	----

### QISHLOQ XO'JALIGI

<b>Шавкат Джабборов Рассокович, Хушвақт Намозов Қорахонович.</b> Қарши чўли суғориладиган тупроларининг ҳозирги мелиоратив ҳолатини баҳолаш.....	26
--	----

### FALSAFA

<b>Язданов Улугбек Тошмуротович, Таникулов Жанибек Аширкулович.</b> Жамоатчилик фикрида “ғийбат хикматлари”га муносабат.....	29
<b>Ибрагимова Найира Анваровна.</b> Экологик хавфсизликка мутасадди институтларни структуравий-функционал интеграциялаштириш вазифалари.....	33
<b>Бўриев Мансур Рахматуллаевич.</b> Жамиятнинг модеризациялашуви шароитида ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш масалалари.....	37

### TILSHUNOSLIK

<b>Киличов Назарбай, Дилфузা Каримова.</b> Туркий тиллардаги баъзи ҳолат феъллари семалари қиёсий таҳлили.....	41
<b>Жалолова Феруза Нормуродовна.</b> Оламнинг миллий лисоний манзараси тасвирида «ўгай она» концепти.....	44
<b>Хамидов Бехзод Ахадович.</b> Турли тизимли тилларда шахснинг ижтимоий-қасбий хусусиятларини ифодаловчи фразеологик бирликлар қиёсий тадқики.....	47
<b>Yandashova Tursunoy Rustam qizi.</b> O'zbek va ingliz tillarida go'zallik konseptining leksik-semantik asoslari....	50
<b>Ишаев Жўрабек.</b> Ҳозирги ўзбек адабий тили ва шеваларида исломий лексиканинг тадқики.....	53

### ADABIYOTSHUNOSLIK

<b>Эшмуҳамедова Марям.</b> Аҳмад Яссавийнинг мероси ва унинг манбалари.....	57
<b>Avezova Gulnora.</b> “Ong oqimi” badiiy – yaxlitlikni ta'minlovchi unsur sifatida.....	62
<b>Зиямуҳамедов Жасур Ташпулатович.</b> Россияда “Ляо Жайнинг Farойиботлар ҳакидаги ҳикоялари” асарининг ўрганилишига доир.....	65
<b>Қаршибаева Улжан.</b> Англия болалар адабиёти ва Чарльз Диккенс.....	68
<b>Равшанова Гулрухбегим Қаҳрамон қизи.</b> Сатирик шеърларда инсон маънавияти ва ахлоқ муаммолари...	71
<b>Садуллаев Мохира Атавуллаевна.</b> Руҳий таҳлил – бадиийлик мезони.....	75
<b>Тоиррова Дилфузा Файзуллаевна.</b> Взгляды Стендalia над философскими и историческими проблемами....	77

### PEDAGOGIKA

<b>Усанов Шамсиддин Ҳамидович, Жуманиёзова Мухайё Тожиевна.</b> Ўзбекистонда кадрлар малакасини ошириш тизимининг тараккиётидаги ўзига хосликлар.....	80
<b>Зарипов Лочин.</b> Технологик компетенцияларнинг турлари ва уларнинг “технология” ўқув фанида тақдим этилиши.....	84
<b>Қодирова Ҳамидахон Нурмуҳамадовна.</b> Олий таълим тизимида “физика” фанининг оптика бўлнимини ўқитишида интерфаол методлардан фойдаланишининг услубий жиҳатлари.....	87
<b>Jumaniyozova Muhabbat, Sharipova Guloy.</b> Badiiy matn tahlili jarayonida boshlang'ich sinf o'quvchilarini mustaqil fikrashga o'rgatish.....	90
<b>Ziyamuhamedova Umida Alijanovna, Maxsudova Xolisxon Ummatovna.</b> Ta'llim jarayonida talabalar bilimini baholashning o'tni va ahamiyati.....	94
<b>Мурадқасимова Камола Шухратовна.</b> Таълим жараённада тестларни тузишнинг амалий босқичлари.....	99
<b>Умарова Раъно Убайдуллаевна.</b> Ўқувчиларда интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари.....	102

<b>Асатуллоев Иномжон Абобакир ўғли.</b> Таълим тизими бошқарувида хисобдорликни ошириш орқали корпучияга қарши курашиб ва шаффофоникни таъминлашнинг таъсиран механизмлари.....	105
<b>Olimova Nilufar Qosimjon qizi.</b> Xalq og‘zaki ijodi vositasida boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining talaffuzi va nutqini o‘stirish texnologiyasi.....	108
<b>Artiqova Muhayyo Botiraliyevna, Mirkamilova Mahliyo Poziljon qizi.</b> Mustahkam poydevor – porloq kelajak asosi.....	110
<b>Buvajonova Mohiraxon Usmonali qizi.</b> Kichik yoshdagи o‘quvchilarining talaffuzi va nutqini rivojlantirishga kreativ yondashuv ona tili ta’limida o‘quvchilarining individual so‘z boyligini oshirish.....	112
<b>Бованова Умида Абдуваҳабовна.</b> Бошлангич синф ўқувчиларида атроф-мухитга ижобий муносабатни шакллантиришнинг мазмун-моҳияти.....	115
<b>Raxmedova Manzura Azadovna.</b> Mahmud Zamaxshariy asarlarida ta’lim-tarbiyaga oid masalalar.....	121
<b>Qosimova Mavluda Navro‘zovna.</b> Chet tili fanlar samaradorligini oshirishda didaktik o‘yinlardan foydalanish.....	123
<b>Турсунов Шахзод Рамозонович.</b> Ватанпарварлик рухи тушунчасининг мазмун-моҳияти.....	127
<b>Сайдова Сурайё Яркуловна, Мусаллам Сафарова.</b> Роль стратегии чтения по улучшению понимания, прочитанного у читателей на уроках английского языка.....	131
<b>Tukhtaeva Kuysin.</b> Developing Communicative Competence of Linguistic Students Using Internet Technologies.....	135
<b>Tashpulatova Nargiza, Juraeva Zamira.</b> The Role of Educational Game Technologies in Teaching Foreign Languages.....	142

#### ILMIY AXBOROT

<b>Panayev Salay Satimovich, Otaboyev Ixtiyor Baxtiyor o‘g‘li, Panayev Sotimboy Salay o‘g‘li.</b> Yuqori aniqlik-dagi geometrik nivelirlashni zamonaviy uslubi.....	147
<b>Ўролова Дилшодабону Олимжон қизи.</b> Ёшлар аудиторияси учун мўлжалланган хуқуқий материалларнинг ёритилиши: ҳолати, муаммолари, истиқболлари.....	151
<b>Каримова Нилюфар Умматқул қизи.</b> Корпоратив бошқарув ўйналиши талабаларининг софт скилсини тақомиллаштириш хусусиятлари.....	154
<b>Исмаилов Икрамжон Анваржонович.</b> Ўзбекистонда ёшларни олий таълимга жалб қилиш борасидаги ислоҳотлар.....	159
<b>Самандарова Нилюфар Кодировна.</b> Француз ва ўзбек тилларидаги директив феълларнинг лисоний хусусиятлари.....	162
<b>Абдирикова Интизор Комиловна.</b> Алишер Навоий ижодида баркамол инсон ва мукаммал жамият тасвири.....	164
<b>Jumayev Ruzokul Xoliquulovich.</b> Sadreddin Ayniyuning “Esdaliklar” asarida oykonim turlarining qo‘llanishi.....	167
<b>Абдуллаева Набия Идрисовна.</b> “Атлас” шеърий драмасида талабалар образининг берилиши.....	170
<b>Холикова Нодира Джохонгировна.</b> Жадид шеъриятида янги эстетик принципларнинг шаклланиши.....	172
<b>Kadirova Zaynura Zaynidinovna.</b> Alisher Navoiyning nasriy asarlarida insonga xos xususiyatlarni ifodalovchi perifrazalar.....	176
<b>Хасанова Мусаллам Муминовна.</b> Генрих Бёлль асарларида сирли аёл образи.....	178
<b>Avezova Dildora Davlatovna.</b> Arxaizmlar – tarjima muammosi sifatida.....	181
<b>Мардонова Феруза Баҳроновна.</b> Подача информативного материала по русскому языку в условиях многонациональности.....	184
<b>Бекжанова Айнурा Мархабаевна.</b> Иностранные языки в школах каракалпакстана 1930-х годов.....	186
<b>Karimova Diyora Abduvaxidovna.</b> The Use of Military Phraseology in the Language of Modern Mass Media.....	190
<b>Safarbayeva Nigora Mustafayevna.</b> Mathematics and the History of its Development.....	190
<b>Doniyorova Gulruk Shoniyozovna.</b> Linguacultural Aspect in Teaching Foreign Language Communication in a Non-philological Institute.....	195